

КИБЕРТЕРРОРИЗМ ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ, УНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА ТАСНИФИ

Рузимуродов Жаҳонгир Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

“Прокурорлик фаолияти” йўналиши магистри

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14776791>

Аннотация: Мазкур мақолада кибертерроризм жиноятлари тушунчаси, унинг белгилари ва таснифи баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада кибертерроризмнинг ахборот маконинида содир этилиши билан боғлиқ тушунчалар ва ушбу жиноятларини терговига доир масалалар ҳам таҳлил этилган.

Калит сўзлари: Ахборот, банк, жавобгарлик, жиноят, шахсга доир, маълумотлар, кибержиноятлар, кибертерроризм, тартибга солувчи, тушунчалар.

ПОНЯТИЕ КИБЕРТЕРРОРИЗМ, ЕГО ПРИЗНАКИ И КЛАССИФИКАЦИЯ

Рузимуродов Джаҳонгир Бахтиёр оғли

Республика Узбекистан

Академия правоохранительных органов

степень магистра по специальности «Прокурорская деятельность»

Аннотация: В статье описываются понятие, характеристики и классификация преступлений кибертерроризма. В статье также анализируются понятия, связанные с совершением кибертерроризма в информационном пространстве, и вопросы, связанные с расследованием данных преступлений.

Ключевые слова: информация, банковское дело, ответственность, преступление, персональные данные, киберпреступность, кибертерроризм, регулирование, концепции.

THE CONCEPT OF CYBERTERRORISM CRIMES, ITS SIGNS AND CLASSIFICATION

Ruzimurodov Jahongir Bakhtiyor ugli

Republic of Uzbekistan

Law Enforcement Academy

master in “Prosecutorial Activities”

Annotation: This article describes the concept of cyberterrorism crimes, its signs and classification. Also, this article analyzes the concepts associated with the commission of cyberterrorism in the information space and issues related to the investigation of these crimes.

Keywords: Information, bank, liability, crime, personal, data, cybercrimes, cyberterrorism, regulatory, concepts.

Маълумки, дунё миқёсида кибержиноятларнинг тарқалиши шахдам қадамлар билан кундан кунга ривожланиб бормоқда. Шу муносабат билан кибержиноятчилик муаммосини тушуниш масалалари замонавий жамиятнинг энг муҳим Кибержиноятлар ҳар бир даврда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожига туфайли турлича доктриналар ва расмий таърифларга эга.

Кўпгина тадқиқотчилар кибержиноятнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича, ўз фикрларини бериб ўтганлар. Жумладан, рус олим И.Г.Чекунов ички ва халқаро

хуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида кибержиноятчилигининг нафақат жиной қилмишларини ўзига хос белгиларининг тавсифи балки жиноятнинг субъектлари, мақсадлари ва жиноятни фош этишдаги мураккабликларини кўрсатиб беради.

Тадқиқот муаллифи И.Г.Чекунов кибержиноятчиликнинг қуйидаги фарқловчи белгиларини ажратиб кўрсатади: жиноятчилар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ўз мақсадларига эришишади; кибержиноят трансчегаравий хусусиятга эга ва виртуал усулларда содир этилади; кибержиноятлар яширин тарзда содир этилади ва “ҳам давомли ҳамда бир марталик” жиной ҳолатлари бўлиши мумкин; бундай жиноятларга оид далилларни тўплаш қийин; ахборот маконида жиноятлар сонининг ўсиши бевосита технологик тараққиётнинг ривожланиши ва унинг натижаларига боғлиқ; кибержиноятларни субъекти асосан “ИТ технологиялари соҳасида чуқур билимга эга мутахассислари” ҳисобланади; кибержиноятлар асосан жудда катта миқёсда иқтисодий фойда олиш мақсадида содир этилади; кибержиноятларнинг гуруҳлар таркибида содир этилишига нисбатан ортиб бораётган тенденциялари мавжуд; жиноятларни фақат “ҳодисадан кейинги режимда” аниқлаш мумкин.

Кейинчалик, Россиялик олимлар А.А.Коновалов, С.А.Наумова, Д.Д.Колесниковалар глобал компьютер тармоқларида содир этилган жиноятларни таҳлил қилиб, кибержиноятнинг қуйидаги хусусиятларини аниқлайдилар:

жиноят содир этилишид тармоқ ахборот маконининг ўзига хос хусусиятлари билан юқори даражада яширинганлиги (ишлаб чиқилган анонимлик механизмлари, инфратузилманинг мураккаблиги ва бошқалар) таъминланганлиги;

тармоқ жиноятларининг трансчегаравий хусусияти, бунда жиноятчи, жиной тажовуз объекти, жабрланувчи турли давлатлар ҳудудларида жойлашган бўлиши мумкинлиги, жиноятчиларнинг алоҳида махсус тайёргарлиги, жиной фаолиятнинг интеллектуал хусусияти, жиноят содир этиш усулларининг мураккаблиги, хилма-хиллиги, жиноят содир этилиши усуллари тез-тез янгиланиб борилиши ҳамда махсус воситалар қўлланилиши;

жиноятлар автоматик тартибда бир вақтнинг ўзида бир неча жойда содир этилиши имкониятлари мавжудлиги, жиноят содир этилишида жабрланувчиларнинг кўплиги ҳамда ушбу жиноятларнинг кўп эпизодлик характерига эгаллиги, жабрланувчиларнинг жиноят қурбонига айланиши тўғрисидаги тассавурга эга эмаслиги, жиноятчилар томонидан жабрланувчилар билан муносабатга кирмасдан масофадан туриб, жиной мақсадларини амалга ошириш имкониятлари мавжудлиги, анъанавий усуллар билан бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйишнинг имконияти мавжуд эмаслиги шулар жумласидандир”.

Бизнинг шу бугунги ҳолатимизда ахборот маконининг компьютер тизимларидан анча узоқлашиб кетганлиги тўғрисидаги фикрларга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Шу муносабат билан, “кибержиноят” атамаси бу компьютерлар билан боғлиқ ёки улар ёрдамида содир этилган жиноятдир.

Оддий сўзлар билан айтганда, “компьютердан фойдаланилган жиноят ёки жиноятни кибержиноят дейиш мумкин”. Қизиғи шундаки, ўғирлик каби жиноят ҳам кибержиноятнинг кенг доирасига киритилиши мумкин. Агар бундай жиноятга ёрдам

бериш учун асосий маълумотлар ёки ёрдам компьютер ёки компьютерда сақланадиган (ёки нотўғри ишлатилган) маълумотлар орқали берилган бўлса, жиноятчи I.T. Act, 2000 компьютер тармоғи маълумотлари каби сўзларни белгилайди.

Кибер жиноятда компьютер ёки маълумотларнинг ўзи жиноятнинг мақсади ёки объекти ёки бирон бир ҳуқуқбузарликни содир этишда ишлатиладиган восита ҳисобланиб, ушбу жиноят учун зарур маълумотларни тақдим этади. Бундай жиноятларнинг барчаси “Кибержиноят” атамасининг кенг таърифига киради.

Кибержиноятлар - бу технологияга асосланган жиноятлар бўлиб, унда компьютер ёки интернетнинг ўзи бундай жиноятларни содир этиш учун қурол ёки восита сифатида ишлатилади.

Улар киберфирибгарлик, хакерлик, маълумотларни ўғирлаш, фишинг, идентификатор ўғирлаш ва бошқалар каби уюшган ва оқ ёқали жиноятларидир.

Кибержиноятлар технологияни чуқур тушунадиган жиноятчилар томонидан технология ёрдамида содир этилади. Аслида, кибержиноятчилар Ахборот технологияларининг нозик томонларини тушунадиган технократлардир.

Шунингдек, компьютер тизими, тармоғи, шунингдек, уларга уланадиган бошқа воситалар орқали ёки уларнинг ёрдамида ҳамда компьютер тизими, тармоғи ёки компьютер ахборотига қарши кибермуҳитда содир этилган ижтимоий хавfli қилмишни кибержиноят деб баён қилишиб, юқоридаги жиноятларни кибержиноятдан фарқли жиноят деб таъриф беришади¹.

Ҳақиқатан ҳам, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар кибержиноятларнинг бир қисми бўлганлиги ва кибержиноятлар кенгроқ тушунча бўлганлиги сабабли ушбу фикрларга қўшилиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, глобал тармоқ жиноятчилиги тушунчаси унга қадар мавжуд бўлган “компьютер жиноятчилиги”, тушунчаси билан тўла мос келмайди ва шунга кўра мазкур жиноятчилик тури бугунги кунда “кибержиноятчилик” тушунчаси билан аталиб келинмоқда.

Халқаро илмий ва ҳуқуқий амалиётда дастлаб “компьютер жиноятчилиги” тушунчаси, кейинчалик “компьютер билан боғлиқ жиноят”, “компьютер орқали жиноят содир этиш”, “электрон жиноятчилик” ва “юқори технологиялар жиноятчилиги”, “виртуал жиноятчилик” тушунчалари ишлатилиб, бугунга кунга келиб эса “кибержиноятчилик” ёки “глобал тармоқ жиноятчилиги” атамаси қўлланилмоқда.

Ушбу тушунчалар яратилишидан асосий мақсад айни пайтда Интернет глобал тармоғи орқали содир этилган жиноятчилик чегарасини аниқ белгилаш ва унга қарши курашда хос ёндашув зарур эканлигини тушунтириш бўлган деб олим И.Тораходжаева “кибержиноятчиликнинг компьютер жиноятчилигидан кенгроқ тушунча ҳисобланишини» таъкидлаб ўтади².

Кибержиноятлар тушунчасининг вақтга нисбатан ўзаро боғлиқлигини яна 1979 йилда Даллас адвокатлар ассоциациясининг конференцияси томонидан дастлаб

¹Салаев Н.С., Рўзиев Р.Н. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография., – Т.: ТДЮУ, 2018, – Б.139.

²Тораходжаева И. Ўзбекистонда интернет тармоғи орқали содир этиладиган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари // – Т.: Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. – илмий-амалий журнали. 2019 (03)-сон. – Б.128-132.

компьютер жиноятларининг асосий белгилари ўша пайтдаги мавжуд ахборот-коммуникация технологияларининг техник имкониятлари юзасидан белгиланганлиги орқали таъкидлашимиз мумкин³.

Масалани жиддийроқ тадқиқ этадиган бўлсак, Ўзбекистон жиноят кодексининг 244¹-моддасидаги қилмишни “тайёрлаганлик ёки тарқатганлик”дан ташқари, “сақлаганлик, намойиш этганлик” каби тушунчалар билан бир қаторда, ушбу қилмишни “телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этган”ликка оид қоидалар кодекснинг мазкур моддасига киритилди⁴ ва натижада Интернет оламида жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларнинг моҳиятига шахслар билиб-билмай “лайк” босиш билан боғлиқ қилмишлар ҳам жиноят деган, нотўғри амалиёт шаклланиб қолди.

Кибержиноятлар - бу компьютер, компьютер тармоғи ёки тармоқ қурилмасидан суистеъмол қилишга қаратилган жинойий фаолият ҳисобланади. Уларнинг аксарияти кибержиноятчилар ёки хакерлар томонидан ундан ноқонуний даромад орттириш мақсадида содир этилади. Бугун технологиялар тобора ривожланиб боргани сари жиноятчилар ҳам улардан фойдаланиб, ноқонуний хатти-ҳаракатларни содир этмоқдалар. Хусусан, одамлар карточкаларидан пулни ўмариш сезиларли даражада ошди. Табиийки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бу жиноятчилар аниқланиб, тегишли жазо чоралари кўрилмоқда ва жабрланувчиларга зарар ундириб берилмоқда.

Шу ўринда кибертерроризм ва унинг жамият ҳаётига солаётган хавфининг кўлами ҳам ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Кибертеррористик ҳаракат (киберхужум) - компьютерлар ва ахборот коммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ёки потенциал хавф туғдириши мумкин бўлган, моддий объектларга катта зарар етказиши ёки шунга олиб келишимумкин бўлган, ижтимоий хавfli оқибатларнинг бошланиши ёки мақсади бўлган сиёсий сабабдир.

Замонавий террорчилар учун кибермакондан фойдаланишнинг жозибадорлиги киберхужумни амалга ошириш катта молиявий харажатларни талаб қилмаслиги билан боғлиқ. Экспертларнинг хулосасига кўра, бу ривожланаётган давлатларнинг тараққиётига кўмаклашиш, умуминсоний демократик тамойилларни қарор топтириш ниқоби остида фуқаролар онгига таъсир ўтказиш, уларни турли йўллар билан ўз мақсадлари сари бўйсундириш орқали амалга оширилмоқда.

Афсуски, бу жараёнда киберхужумларни уюштириш, бу йўлда интернет глобал тармоғининг мислсиз имкониятларидан “самарали” фойдаланишга уринишлар тобора авж олмоқда. Интернетда мавжуд ижтимоий тармоқлар, уларнинг ишлаб чиқарувчилари ва ҳомийларининг суверен давлат ички ишларига “аралашилари” қандай аҳамият ўйнаши охиригача ўрганилмаганлиги боис баъзан бундай “аралашув”

³ Широков В.А., Беспалова Е.В. Киберпреступность: история уголовно-правового противодействия. – М.: “Информационное право”, 2006. № 4. <http://center-bereg.ru/h1846.html>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ–405-сонли Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий ба заси.

мазкур давлатга қарши эканлиги ҳали ҳануз эътироф этилгани йўқ. Ижтимоий тармоқлар эгалари ушбу тармоқлар саҳифаларида давлат тузумини ағдаришга даъват қилингани учун жавобгарликка тортилишининг халқаро миқёсдаги ҳуқуқий асослари яратилмаган.

Ваҳоланки, ҳар бир қилинган жиноий хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мазмун-моҳиятига кўра, албатта, жавобсиз ва жазосиз қолмаслиги керак. Интернет сайтлари тўсатдан пайдо бўлиб, кўпинча форматини, сўнгра манзилни ўзгартиради. Шу боис айрим экспертлар интернетнинг буткул очиқлиги каби дастлабки концепциялардан воз кечиб, унинг янги тизимига ўтишни таклиф этмоқда. Янги моделнинг асосий моҳияти тармоқдан фойдаланувчиларнинг анонимлигидан воз кечишдир. Бу тармоқнинг жиноий тажовузлардан янада кўпроқ ҳимояланган бўлишини таъминлашга имкон берди.

Шунингдек, кибержиноятлар ва киберҳуқуқбузарликларни тергов қилиш ва уларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш, кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, кибертерроризм, киберекстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, давлат органлари манфаатларига ҳамда киберхавфсизлигига таҳдид солувчи киберхатарларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажаришлари лозим⁵.

Кибертерроризм - кибертехнологиялар орқали халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга оширишга бўлган таҳдид, вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд.

Кибержиноятларнинг таснифланиши юзасидан олимлар ҳам турлича фикр билдиришади, хусусан, олим Э.Л.Кочкинанинг фикрига асосан, кибержиноятлар молиявий кибержиноятлар, киберпорнография, кибергиёҳвандлик савдоси, кибертерроризм, инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига оид кибержиноятлар, компьютер маълумотлари соҳасидаги жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот технологияларига оид кибержиноятлар, иқтисодиёт ва иқтисодий соҳадаги жамоатчилик билан алоқалар билан боғлиқ кибержиноятлар, давлат

⁵ <https://iiv.uz/uz/news/kiberjinoatchilikka-qarshi-kiberxavfsizlik>

ҳокимияти соҳасидаги жамоатчилик билан алоқаларга оид кибержиноятлар, соғлиқни сақлаш ва жамоат ахлоқи соҳасидаги жамоатчилик билан алоқаларга оид кибержиноятларга ажратилади⁶.

Мақсадларнинг учинчи тури – мафкуравий: Интернет фойдаланувчилари қаторига, масалан, радикал террорист ва миллатчилик гуруҳларини жалб қилиш учун ғоялар ва мафкураларни тарқатиш. Ва ниҳоят биз тўртинчи турдаги мақсадларни ижтимоий-психологик, масалан, фуқароларга руҳий ва психологик зарар етказадиган тарзда тасниф қиламиз.

References:

1. F.L.Computer Crimes Acttit. XLVIChapter815(1978)//URL:http:// www. flsenate.gov/Statutes/index.cfmApp_mde=Display_Statute&U RL= Ch081.htm> cited April.
2. Computer Fraud and Abuse Act (CFAA), 1986 / (18 U.S.C. § 1030) // [Electronic resource] URL:https://uk.practicallaw.thomsonreuters.com/2-508 3428? Transition Type = Default&context Data = (sc.Default)&firstPage=true&bhc
3. Protection of children Act 1978. – First Published 1978, Reprinted in the United Kingdom by The Stationery Office Limited. – London, 1999. – 36 p.
4. Sexual Offences Act 1956 // [Electronic resource] URL: https://www.legislation.gov.uk/ukpga/Eliz2/4-5/69/contents
5. Computer Misuse Act 1990 // [Electronic resource] URL:http://www.legislation.gov.uk/ukpga/1990/18/contents
6. The Terrorism Act (2000) // [Electronic resource] URL: http:www.legislation. gov.uk/ukpga/2000/11/contents .
6. Очилов Ҳ.Р. Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати., Тошкент, 2017.
7. Расулов А.К. Ахборот технологиялари ва хавфсизлиги соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик чораларини такомиллаштириш. Автореферат. дисс. ...фан доктори (DSc). –Ташкент, 2018.
8. Расулев А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2006
9. Тропина Т.Л. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно -правовые методы борьбы.. Автореф. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Владивосток, 2005.
10. Прокофьев К.В. Международно-правовые проблемы обеспечения международной информационной безопасности в сети Интернет. Дисс. На соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва, 2009.
11. Э.Л.Кочкина. Определение понятия «Киберпреступление». Отдельные виды киберпреступлений // Сибирские уголовно-процессуальные и криминологические чтения. 2017. №3 (17). – С. 162-169.

⁶ Э.Л.Кочкина. Определение понятия «Киберпреступление». Отдельные виды киберпреступлений // Сибирские уголовно-процессуальные и криминологические чтения. 2017. №3 (17). – С. 162-169.